

LINGUOPOETICAL ANALYSIS OF MOTIVATION OF NAMING BASED ON BODY SYMBOLS IN UZBEK FAIRY TALES

Rahmatullaev Sh.

Lecturer at the Department of Uzbek Linguistics, Bukhara State University

Annotation

The article understands that most of the anthroponyms are nominatively motivated based on the animistic, totemistic and fetishistic ideas of ancient people about the spiritual world, the other world, the forces and phenomena of nature, the animal and plant worlds, the bird world.

Аннотация

В статье понимается, что большинство антропонимов имеют номинативную мотивацию, основанную на анимистических, тотемистических и фетишистских представлениях древних людей о духовном мире, потустороннем мире, силах и явлениях природы, животном и растительном мире, мире птиц.

Аннотация

Мақолада антпронимларининг аксарияти қадимги инсонларнинг руҳий олам, ўзга дунё, табиат кучлари ва ҳодисалари, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, қушлар олами ҳақидаги анимистик, тотемистик ва фетишистик тасаввур-тушунчалари асосида номинацион-мотивацион тарзда шакллангани англашилади.

Калит сўзлар: анимистик, тотемистик, фетишистик, тасаввур ва тушунчалар, ҳалқ маданияти.

Ключевые слова: анимистическая, тотемистическая, фетишистская, образно-понятийная, народная культура.

Keywords: animistic, totemistic, fetishistic, imaginative and conceptual, folk culture.

Ҳалқимиз орасида чақалоқнинг баданидаги белгиларига қараб исм беришга катта эътибор қаратилади. Жумладан, хол билан туғилган болага Холдор, Холниса, танасида бирор ортиқлик аломати, зиёд гўшти ё бези бўлса, масалан, қулоғида ортиқча гўшти ёки кўлида бешдан зиёд бармоқлари бўлган болаларга қиз бўлса – Зиёда, ўғил бўлса – Ортиқ, Ортиқали, Зиёд, Олтивой каби исмлар кўйилади. Туғма суннат бўлган болаларга эса Суннат исми берилади. Она қорнидан йўлдоши билан бирга туғилган ўғил болалар, одатда, Йўлдош деб, қизалоклар эса Рафиқа деб номланишади.

Маълумки, ҳаётда баъзи болалар қулоғида нуқсони бор, яъни ярим қулоқ (чиноқ қулоқ дейилади) кўринишида ёки қулоғи катта (халқ орасида буни “супракулоқ” дейди), ё қулоғи эшитмайдиган кар бўлиб туғилади. Бундай болаларга ҳам маҳсус исмлар қўйилади. Халқ орасида кенг тарқалган “Ярим қулоқ”, “Қулоқбой” каби эртакларнинг бош қаҳрамонлари тимсолида худди шу каби воқеликка ишора қилинади. Эртакларда бундай болалар образи, одатда, узоқ вақт бирга яшаб, фарзанд кўрмаган чол-кампирлардан туғилиши ҳикоя қилинади. Масалан, “Қулоқбой” эртагида чолнинг хотини кутилмаганда ҳомиладор бўлиши, кунлардан бир кун кампирни тўлғоқ тутиб, еттита қулоқ туфиши айтилади. Эр-хотин бу етти қулоқни кўриб жуда хафа бўлишади. Кундан-кун, ойдан ой ўтади. Қулоқ болалар ўтирадиган, юрадиган бўлиб, тили чиқади. Уларга чол-кампирнинг топган-тутган нон-оши етмайдиган бўлади. Уларнинг сурати қулоққа ўхшаса ҳам оғзи, кўзи бор, овқат ер экан. Ҳар бири бир одамнинг овқатини еб кўяр экан. Овқатсиз ўтира олмас, овқат емаса оч қолдим деб, чинқиришар эканлар. Болаларни бокиш учун чол ҳеч нарса тополмай қийналибди. Шунда эр-хотин ўзаро маслаҳатлашиб, кампирнинг таклифи билан болаларни бир чуқурга ташлаб, кўмиб юбормоқчи бўлишибди. Чол отасидан қолган бир парча еридаги ўрага болаларини алдаб тушириб, ўзи қочиб қолибди. Шу тариқа қулоқвойлар ўрада қолиб кетиб, очликдан нобуд бўлишибди. Аммо энг кичик қулоқбой чолнинг ковушига тушиб, омон қолибди. У тез орада чол-кампирнинг энг яқин кўмақдоши ва эрмагига айланибди. Чол-кампир ундан жуда миннатдор бўлишибди. Шунда улар олтига нобуд бўлган қулоқвойларини эслаб, ўзларининг бесабр ва ношукрликларидан хафа бўлишиб, қаттиқ пушаймон чекишибди.

Баъзи эртакларда туғилган боланинг характер-хусусиятига қараб, унга ном берилгани қайд этиб ўтилади. Бу жиҳатдан “Кулса – гул, йиғласа – дур” деб номланадиган ўзбек халқ сеҳрли эртаги алоҳида эътиборни тортади. Унда ҳам анча йиллардан бери бефарзандлик изтиробини чекиб юрган чол-кампирларнинг кутилмаганда фарзандли бўлиши ва бу узоқ тиланган боланинг хосиятли равишда дунёга келиши ҳикоя қилинади. Чол-кампирнинг фарзандли бўлишибига Хизр сабабчи бўлади. Кунлардан бир куни чол даладан ўтин териб келаётганида, унга Хизр йўлиқади ва чолдан: “Боланг борми?” – деб сўрайди. Чол боласи йўқлигини айтади. Шунда Хизр унга бир қизил олма бериб: “Ярмини ўзинг, ярмини хотинг есин! Кейин хотинг қиз туғади. Қизинг йиғласа, қўзидан гавҳар тўкилади, кулса – оғзидан очилган гул тушади, юрса оёғи тагидан тилла сочилади. Катта бўлгандан кейин озор чекади, – дебди.

Хизр айтганидек, чолнинг кампири бир қиз туғибди. Йиғлаганда қизнинг қўзидан гавҳар тўкилибди. Уч ойлик бўлганидан кейин кулса, оғзидан очилган гул ҳам тўкилар эмиш. Шу гавҳарларни, шу гулларни отаси бозорга олиб бориб сотиб, уйлар қуриб олибди. Шу тариқа қизнинг исми унинг жисмига мос қилиб “Кулса – гул, йиғласа – дур” деб аталадиган бўлибди.

“Бўз бола” номли ўзбек халқ эртаги ҳам бефарзандлик мотиви орқали бошланади. Унда бир бой боласи йўқлиги сабаб кеча-кундуз қайғуриб, еган-ичганида ҳаловат бўлмайди. Сифинмаган мозори, мадад тиламаган азиз авлиёлари қолмабди. Охирида хотини иккиқат бўлиб, бир ўғил туғиб берибди. Бола ойдеккина экан. Бой суйинганидан икки кеча-кундуз тўй-томуша уюштириб, бутун юргига ош берибди. Тўйга йиғилганлар болага Бўз бола деб от қўйибдилар. Бироқ Бўз боланинг бешик тўйи куни онаси дунёдан кўз юмибди. Шундан сўнг болани бир эчки ўз-ўзидан келиб, эмизиб кетаверибди. Кейин бой қайта уйланибди. Ўгай она эса Бўз болага кўп азоб-уқубатлар етказиб, унинг бевақт ўлимiga сабабчи бўлибди.

“Бўз бола” ибораси халқ орасида икки маънода қўлланиши маълум. Биринчиси – бу ном ранги рўйи оппоқ болаларга нисбатан қўлланади. Оқ юз эса нимжонлик белгисини, кизил юз эса бақувватлилик, соғломлик алматини билдиради. “Бўз бола” ибораси, аксинча, йириқ, бақувват, аммо ўта содда тушунчасини ҳам англатади. Бизнингча, ушбу эртакда у нимжон ана шу қейинги тушунчада қўлланган.

Баъзи эртак қаҳрамонларининг номида лақаб учрайди. Бунга “Соқи мумсик билан Боқи мумсик” эртагини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бир замонда Соқи мумсик билан Боқи мумсик деган икки киши яшаган экан. Улар ўтакетган мумсик (хасис) эканлар. Бир-бирларига сувни ҳам раво кўрас эканлар. Шунинг учун халқ уларнинг номига мумсик сўзини лақаб сифатида қўшиб айтадиган бўлибди.

“Аҳмоқ жўралар” эртагида каллик (сочи йўқлик) белгисига эга бўлган қаҳрамон номига шунга ишора қилувчи кал сўз қўшиб айтилиши кузатилади. Масалан: “Бор экан-у йўқ экан, қирқ кал бор экан. Каллардан бири жуда rashкchi экан. Унинг оти юз Муҳаммад кал экан. Калнинг ўртоқлари уни шу ном билан чақирав эканлар. Аммо бир куни у ўртоқларига: “Агарда менинг отимни ўзгартирсаларинг мен бир сигиримни дангона қилиб бераман”, – дебди. Ўртоқлари: “Оtingни ўзгартирамиз”, деб калнинг номини Юз Маҳамат қўйибдилар. Кал дарров сигирини сўйиб дангона қилиб берибди. Ўртоқлари дангонани еб бўлишгач, яна кални илгариги исми билан Юз Муҳаммад кал, деб чақираверибдилар. Шунда калнинг аччиғи келиб, улардан ўч олибди. Кал жўраларини лақиллатиб, дарёга чўқтириб юборибди.

Бу эртакда исмни ўзгартириш мотиви бекорга келтирилмаган. Чунки халқимиз орасида худди шундай удум бор. Кишининг исмини ўзгартириш учун қайта “исм қўйиш” маросими ўтказилган. Бир жонлик сўйилиб, қон чиқарилган. Сўйилган молнинг гўштидан халқقا таом тортилиб, уларнинг олқиши-дуоси олинган. Шундан сўнг ўша кишини фақат иккинчи оти билан аташ талаб этилган. Биринчи отини айтиш тақиқланган. Агар кимки бунга риоя қилмаса, эртакда тасвирланганидек, бирор фалокатга, ҳатто ҳалокатга гирифтор бўлиши уқтириб ўтилган.

“Мислабу” эртагида ҳикоя қилинишича, бир подшо амалдорлари билан овга чиқиб кетибди. У кетганда маликанинг гумонаси борлиги аён бўлиб қолибди. Кундоши уни

хийла ишлатиб, зиндонга солдирибди. Зиндонда ётганида вақт-соати етиб, малика бир ўғил туғибди. Малика ўз ўғлига Баҳодир деб исм қўйибди. Бола исми жисмига мос баҳодир йигит бўлиб улғайибди. Девлар билан курашиб, уларни енгибди.

Хулоса қилиб айтганда, эртаклар тилидаги антропонимларнинг бадиий-эстетик табиати ва лингвопоэтик хусусиятларини аниқлашга оид тадқиқотларнинг ҳам ўз ўрни ва тил тарихини ўрганишда, унинг ижтимоий аҳамиятини, психологик ролини белгилашда аҳамияти бор.

Эртаклар тили ҳамда поэтикаси, улардаги лингвомаданий бирликлардан бўлган исмлар (антропонимлар)нинг бадиий-эстетик табиати, вазифаларини очиб беришга йўналтирилган тадқиқотлар жаҳон эпос тилининг типологик хусусиятларини аниқлаш баробарида миллий-лисоний белгиларини ўрганишга кенг йўл очиши, тилга антропоцентрик, социолингвистик, этнолингвистик, психолингвистик, прагмалингвистик, лингвокультурологик, лингвопоэтик ёндашув йўлларини бирлаштириши жиҳатидан долзарблиқ қасб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бегматов Э.А. Ўзбек исмлари изоҳи. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2016. – Б.154, 256, 396, 539.
2. “Булбулигүё” Ўзбек халқ эртаклари. Тузувчи – М. Маҳмудов – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – Б.5.
3. Фрезер Д.Д. Золотая ветвь. – М.: Политиздат, 1983. – Б.188-250.
4. Шода-шода марварид: Ўзбек халқ қўшиқлари. – Т.: Шарқ, 2006. – Б.388.